



Ҳуқуқий масалалар бўйича Экспертлар кенгаши
Б А Ё Н И

2018 йил 10 август

Тошкент шаҳри

Раислик этувчи: ССП Раисининг биринчи ўринбосари И.Жасимов

Иштирокчилар: Руйхат буйича

КУН ТАРТИБИ:

1. Тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ ва божхона соҳаларида содир этилаётган қонунбузарликлар ва уларни келтириб чиқараётган сабаблар ҳамда шарт-шароитлар, уларни бартараф этиш ва профилактикасини олиб бориш вазифалари.

Маърузачи – ССП Раисининг биринчи ўринбосари И.Жасимов

И.Жасимов ўз маърузасида кун тартибидаги масала бугунги кунда нақадар долзарб эканлиги тўғрисида тўхталди.

Мамлакат Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Парламентга қилган мурожаатномасида ушбу долзарб масалада Палата муҳим ўринни эгаллашини таъкидлаб:

“...Савдо-саноат палатаси фақат давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан йўл қўйилаётган камчиликларни муҳокама қилмасдан, тадбиркорлар содир этаётган номақбул ишларни, айниқса, жиноятларни танқидий муҳокама қилиши зарур” – деб қайд этганлар.

Шунинг учун Палата фақат инсофли, фаол, ўз юртининг фаровонлиги йўлида соф меҳнат қиладиган тадбиркорларни қўллаб-қувватлайди. Мазкур муҳим йўналишда ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятни янада такомиллаштириш мақсадида йиғилиш давомида тадбиркорлар томонидан содир этилаётган қонунбузарликлар, уларнинг сабаблари ва қўмақлашаётган шарт-шароитларни бартараф этиш вазифаларини муҳокама этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўтказилаётган тадбирнинг мақсади – тадбиркорлар томонидан **солиқ ва божхона соҳаларида** тизимли равишда содир этилаётган қонунбузарликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва содир этилишига имконият яратаётган шарт-шароитларни муҳокама қилиш, уларни бартараф этиш бўйича аниқ тавсияларни ишлаб чиқиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, мазкур йўналишдаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликни таҳлил қилишдан иборатдир.

Президентнинг мазкур йўналишда берган топшириқлари ижросини таъминлаш борасида Савдо-саноат палатаси томонидан тадбиркорлар томонидан содир этилаётган

камчиликларни, айниқса жиноятларни танқидий муҳокама қилиш, бартараф этиш ва профилактика қилишга кўмаклашиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, Бош прокуратура, Бизнес-омбудсман, ДСҚ, ДБҚ билан келишилган ҳолда тасдиқланди ва унда белгиланган вазифалар бажарилиб келинмоқда, чунки эндиликда жиноятчиликка қарши курашиш аҳволи Палатадан сўралади. Бу борада Палата, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилиш органлари ўртасида ҳамкорликнинг мукамал механизми яратилган.

Хусусан, чора-тадбирлар режасининг 3-бандида Экспертлар кенгашида ҳуқуқбузарликлар ва уларни келтириб чиқарган сабабларни муҳокама қилиш орқали тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Олиб борилаётган барча сайёи ҳаракатлар бизнес қонуний, ҳалол ва шаффоф бўлишлигига қаратилган. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қонунбузарликларнинг асосий қисми тадбиркорлар томонидан қонун талабларини билмаган ҳолда содир этилмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг аксарият қисмида юристлар штати борлигига қарамадан “нима учун тадбиркорлар қонунбузарликларга қўл урмоқда” деган саволни ўртага ташлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳонга очилди, бизнес-муҳитни яхшилаш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилмоқда, хорижий инвестициялар жалб қилинмоқда. Мазкур инвестициялар тўғри ва тўлиқ ўзлаштирилиши, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашини таъминлаш учун бизнес ҳамжамияти ўртасида қонунбузарликлар, биринчи навбатда жиноятлар содир этилишини олдини олиш зарур ва бизнес бундай иллатдан холи бўлиши шарт.

Шундан сўнг И.Жасимов Бош прокуратура, ДСҚ, ДБҚ раҳбариятини ҳамкорликлари учун ўз миннатдорчилигини билдирди, бугунги Эксперт кенгаши биринчи бўлиб солиқ ва божхона соҳаларида содир этилаётган қонунбузарликлар масаласига бағишланганлиги ҳамда кейинги Эксперт кенгашида сув, газ, электр таъминот соҳаларидаги қонунбузарликлар масаласи, бу борада суд қарорлари ижроси аҳволи тўғрисида бўлиб ўтиши режалаштирилаётганлиги ва унга МИБ билан бирга тайёргарлик кўрилаётганлигини баён этди.

Ўз сўзи давомида И.Жасимов қонунбузарликларга баҳо беришдан аввал давлат ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларга алоҳида эътибор қаратди, яъни, айрим ҳолатларда тадбиркорнинг ўзи ўз мақсадларига эришиш учун давлат органлари вакиллари билан ноқонуний алоқаларга киришади, давлат органлари вакилларига йўл қидиради.

Иккинчиси эса давлат органлари тадбиркорларни ноқонуний муносабатларга киришишга мажбур қилади. Шунинг учун қонун ҳар иккала томонга ҳам жавобгарлик белгилаб қўйган. Хусусан, 2015 йилда тадбиркорлик соҳаси билан боғлиқ мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарликни белгилаш бўйича амалдаги қонунларга бир қатор қўшимчалар киритилди (*МЖтКга XVI¹-боб 241¹-241¹¹-моддалари ҳамда ЖКга XIII¹-боб 192¹-192¹¹-моддалари*).

Шу билан бир қаторда қонунчиликда тадбиркорлар томонидан содир этиладиган қонунбузарликлар учун ҳам жавобгарлик чоралари белгиланган, жумладан МЖтКнинг 164 (*Савдо ёки хизмат кўрсатиши қоидаларини бузиши*), 166 (*Молларни уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариши марказини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиши*), 168 (*Бозорларда савдо қилиши қоидаларини бузиши*), 174 (*Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш*), 175-модда (*Солиқ солинадиган объектлар ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибинини, шунингдек тўлов интизомини бузиши*), 176-моддаси (*Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти*)да кўрсатилган қонунбузарликлар ушбу тоифадаги энг кўп содир этилмоқда.

Ҳудди шундай жавобгарлик ЖКнинг 167 (*Ўзлаштириши ёки растрата йўли билан талон-тороғ қилиши*) 168 (*Фирибгарлик*), 182-моддаси (*Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиши*), 184 (*Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш*), 189 (*Савдо ёки хизмат кўрсатиши қоидаларини бузиши*) 228 (*Ҳужжатлар,*

штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш) ва бошқалар.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилган солиқ назорати тадбирлари натижаларига кўра, жорий йилнинг 6 ойи давомида 21 773 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган.

Содир этилган қонунбузарликларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (6596), Самарқанд (4400), Фарғона (3137), Тошкент (3044), Наманган (3001) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (2205)да аниқланган.

Амалдаги солиқ қонунчилигини талабларини кўпол равишда бузган 12 567 нафар шахс аниқланган.

Шу жумладан:

- 1 023 нафар шахс савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган (МЖТК 164-моддаси)

- 11544 нафар шахс солиқ солинадиган объектлар ҳисобини олиб бориш, касса операцияларини юритиш тартибини, шунингдек тўлов интизомини бузган (МЖТК 175-моддаси).

Божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан, жорий йилнинг 1-ярим йиллигида божхона қонунбузилиши ҳолатларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш борасида амалга оширилган ишлар натижасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 768 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, улар бўйича 48,0 млрд сўм миқдорида зарар келтирилган, шундан 3 млрд. 400 млн. сўми қопланган.

Аниқланган қонунбузарлик ҳолатларининг 732 та ҳолат бўйича маъмурий ишлар юритилган.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан 425 та ҳолатда божхона чегараси орқали товарларни ноқонуний олиб ўтиш (МЖТКнинг 227²²-м.), 126 та ҳолатда товарлар ва транспорт воситаларини декларациялаш тартибини бузиш (227¹⁰-модда), 57 та ҳолатда товарларни саклаш учун қўйиш тартибини бузиш (227¹³-модда), 44 та ҳолатда божхона туловларини камайтириш, қайтариб олиш, тўловлар тартибини бузиш (227²⁵-модда) ҳуқуқбузарликлари содир этилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан тадбиркорлик соҳасидаги қонунбузарликларга қарши тизимли ва муросасиз кураш олиб борилаётган бўлсада давлатимиз томонидан тадбиркорлар манфаати устун қўйилмоқда ва биричи бор билиб-билмай хатоликка йўл қўйган тадбиркор кечирилмоқда.

Хусусан, ЎзР Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сонли Фармонида мувофиқ, тўғри хулоса чиқариб, ҳуқуқбузарлик оқибатларини бартараф этган ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан, пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қоплаган 13 633 нафар тадбиркорлар маъмурий жавобгарликдан озод этилди.

Давлат органлари, Палатанинг асосий мақсадларидан бири – қонун талабларини, киритилаётган ўзгартишлар тадбиркорларга тушунтириш, киритилаётган ўзгартишлар моҳиятини оддий тил билан тушунтиришдан иборат. Агарда шундан кейин ҳам тадбиркор қонунбузарликка йўл қўйса, у жавобгарликка тортилишга лойиқдир.

Аммо тадбиркорлар ўртасида қонун талабларини яхши билган саводли, лекин уларни очиқдан-очиқ тан олмайдиган, инкор этадиган, юристлар тилида айтганда “ҳуқуқий нигилизм” тушунчасига тўғри келадиган, “қонун талаблари менга даҳлдор эмас, жавобгарлик мени четлаб ўтади” деб ўйлайдиган тадбиркорлар ҳам учраб туришлиги, лекин бир кун эмас бир кун бундай тадбиркорлар жавобгарликка тортилишлари муқаррар эканлиги ҳақида афсус билан сўзлаб ўтди.

Ш.Ғаффоров (ДБҚ масъул ходими) ўз нутқида божхона органлари томонидан жорий йилнинг 1-ярим ярим йиллигида аниқланган қонунбузарликлар, уларнинг турлари,

жавобгарликка тортилган шахслар тўғрисида ахборот берди ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадида қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритди, яъни:

- тадбиркорлар томонидан мамлакатга товарлар импорт қилинаётганда уларга берилаётган имтиёз ва преференциялар бериш масаласи тахлили шунини кўрсатмоқдаки, амалиётда айрим ҳолларда тадбиркор томонидан берилган имтиёздан нотўғри фойдаланиб, товарлар бошқа мақсадларда тасарруф этилиши ҳолатлари кузатилмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида имтиёз берилган ҳолда импорт қилинган товарлардан мақсадли фойдаланишни текшириш механизмини ўрнатишни назарда тутувчи нормаларни киритиш;

- божхона ҳужжатларига нотўғри маълумотларни киритиб, божхона юк декларациясини расмийлаштирмасдан товарларни экспорт қилиш ҳолатлари учраб турибди. Импорт қилинаётган товарлар орасида сифатсиз, қалбаки ҳужжатлар асосида олиб келинаётган товарлар аниқланмоқда. Сўнгги вақтда трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун матоларни импорт қилишда бундай ноқонуний ҳолатлар тез-тез аниқланмоқда.

Айрим ҳолларда юридик шахснинг раҳбари этиб маълум бир жисмоний шахс тайинланган бўлсада, амалда корхона фаолиятини бошқа норасмий ҳеч қаерда номи акс эттирилмаган шахс бошқаради. Бундай шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш лозим.

И.Эргашев (ДСҚ масъул ходими) ўз нутқида жорий йилнинг 1-ярим йиллигида аниқланган солиқ қонунбузарликлар тўғрисидаги статистик маълумотларни келтириб ўтди ва солиқ органларининг асосий вазифалари тадбиркорларни жазолаш эмас, аксинча, уларнинг дардини тинглаш, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларини олишдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг кун тартибидаги масала юзасидан музокаралар бўлиб ўтди ва ушбу жараёнда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича ва мазмунли жавоблар олишди.

А.Айрапетянц (тадбиркор) божхона соҳасида аниқланган қонунбузарликлар, улар бўйича кўрилган жавобгарлик чоралари тўғрисидаги маълумотларни бундай қонунбузарликлар профилактикаси сифатида давлат органлари веб-сайтларида мунтазам равишда ёритиб бориш таклифини берди. Шунингдек товарлар қийматини белгилашда статистик усулларга асосланган юк эгаси томонидан тақдим этилаётган товар қийматини автоматлаштирилган тизим орқали товар қиймати сифатида тан олиншини йўлга қўйиш. Божхона органларига товарга тегишли ҳужжатларнинг тақдим этиш ва қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни талаб қилиш бўйича аниқ тартиб ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.

Сўзни **И.Жасимов** олиб, давлат органлари ходимларида тадбиркорларга нисбатан муносабатни ўзгартириш лозимлиги, тадбиркорларнинг моддий ахволи, ижтимоий келиб чиқиши, миллати, катта ёки кичиклигидан катъий назар уларга бир хил муносабатда бўлиш, ўз навбатида тадбиркорлар ҳам ўз фаолиятларида қонун талабларига сўзсиз риоя этишлари тавсия этилди.

Г.Суюндиқова (тадбиркор) сўз олиб, солиқ органлари ходимлари томонидан Сергели туманида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан хорижий инвестицияли субъектларида Солиқ кодекси талабларига зид равишда корхоналарда ишлаётган ишчилар сони мониторинги ўтказилаётганлиги баён этди ҳамда мазкур ҳолатга чек қўйишда кўмаклашишни сўради.

Тадбир мобайнида бошқа тадбиркорлар томонидан ҳам бир қатор мазмунли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Яқуний сўзида **И.Жасимов** кўйидагиларни таъкидлаб ўтди:

Палата томонидан ўз мақсад ва вазифаларини бажариш доирасида тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш, қонунбузарликлар, биринчи навбатда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни тўлиқ шакллантириш юзасидан турли йўналишларда доимий равишда қатор ташкилий ва амалий ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ҳозирги вақтда тадбиркорлар ўртасида қонунбузарликларни олдини олиш ва уларга чек қўйиш мақсадида Бош прокуратура, Бизнес-омбудсман, ДСҚ, ДБҚ билан ҳамкорликда имзоланган чора-тадбирлар режасига асосан Палата томонидан Бизнес юритиш этикаси кодексининг ўзбек ва рус тилидаги лойиҳалари ишлаб чиқилди ва тегишли таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни олиш учун тадбиркорларга тарқатилди.

Ишлаб чиқилган Кодекснинг нормалари тадбиркорлик субъектлари ўртасида пок ва шаффоф ишбилармонлик одоб-ахлоқ принциплари ва қоидаларини мустаҳкамлаш, юксак этика стандартларига асосланган ягона корпоратив маданиятни ривожлантириш, корхонанинг ўз ходимлари, таъсисчилари (қатнашчилари), давлат органлари ва жамоат бирлашмалари вакиллари, шериклари, рақобатчилари ҳамда бошқа манфаатдор шахслар билан ўзаро ҳамкорликнинг этика асосларини белгилашга хизмат қилади, шунингдек махфий маълумотларни ҳимоя қилиш, коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш масалаларини ёритиб беради.

Жорий йилнинг 13 июнь кuni Савдо-саноат палатасида Бош прокуратура ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) ўзаро ҳамкорлигида «Ўзбекистон хусусий секторида коррупцияга қарши курашишга кўмаклашиш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича ахборот семинари ўтказилди.

Мазкур лойиҳани амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад - республикада тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган коррупцияга қарши курашиш амалиётига илғор халқаро тажрибани жорий қилиш, давлат ва бизнеснинг барча жабҳаларида коррупциянинг олдини олиш соҳасида миллий қонунчилик қоидаларини самарали қўллаш, шунингдек хорижий инвестицияларни жалб этиш учун янада қулай инвестицион муҳитини яратиш.

Тадбиркорлар ўртасида жиноятчилик ва коррупция даражасини сезиларли даражада пасайтиришга эришиш учун давлат органлари ва тадбиркорлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни имкон қадар қисқартириш лозим. Мисол учун Европа давлатларида тадбиркор ўз фаолиятида давлат органи билан деярли тўқнаш келмайди ва ўз муаммоларини Савдо-саноат палатаси орқали хал этади, Палата ҳукумат даражасида фаолият юритади ва давлат органлари ва тадбиркор ўртасида кўприк вазифасини бажаради.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Экспертлар кенгаши, -

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. Кун тартибидаги масала юзасидан ССП Раисининг биринчи ўринбосари И.Жасимовнинг маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. ДБҚ ва ДСҚ органлари томонидан тадбиркорлик соҳасида қонунбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасида мунтазам равишда тадбирлар ўтказилаётганлиги таъкидлансин.

3. Қайд этилсинки, тадбиркорлар томонидан солиқ ва божхона соҳаларида содир этилаётган қонунбузарликларга асосан қуйидагилар сабаб бўлмоқда:

- мазкур соҳаларда қонун талаблари ва қонунларга киритилаётган ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалардан тадбиркорларнинг етарли даражада хабардор эмаслиги;

- солиқ ва божхона соҳаларида содир этилаётган қонунбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика ишларида изчиллик ва тизимлилик етишмаслиги, тадбирлар кўпинча қонунийлик аҳволига асосланмаганлиги ва улар қонунбузилишлар сабабларини бартараф этишга аниқ йўналтирилмаганлиги;

- солиқ ва божхона органларининг айрим ходимлари томонидан ўз вазифаларини бажаришда масъулиятсизлик ва суистеъмолчилик ҳолатларига йўл қўйилиши оқибатида тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари бузилишига шарт-шароит яратилиши;

- солиқ ва божхона органлари ходимлари тадбиркорлар билан коррупцион муносабатларга киришига сабаб бўлаётган шарт-шароитлар тўлиқ бартараф этилмаганлиги.

4. ДСҚ ва ДБҚга қонунбузарликларни келтириб чиқараётган шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида зарур бўлган чоралар кўриш тавсия этилсин.

5. ДСҚ ва ДБҚга тадбиркорлар томонидан содир этилаётган қонунбузарликларни, айниқса жиноятларни танқидий муҳокама қилиш, бартараф этиш ва профилактика қилишга кўмаклашиш мақсадида аниқланган қонунбузарликлар, уларни келтириб чиқарадиган шарт-шароитлар тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар Савдо-саноат палатасига мунтазам равишда тақдим этиб бориш амалиёти давом эттирилсин.


6. “Бизнес юритиш этикаси” кодекси лойихаси маъқуллансин ва берилган таклифларни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириб, ЕХҲК ҳисобидан 20 минг нусхада чоп этилсин ҳамда Палата аъзолари, Палатага аъзо бўлаётган тадбиркорлар ва мутасадди ташкилотларга тарқатилсин.

7. ССП, ДСҚ, ДБҚлари барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда тадбиркорлар ўртасида соҳага оид қонунчиликка киритилаётган қўшимча ва ўзгартишлар моҳиятини тушунтириш бўйича ишлар мунтазам ва тизимли равишда олиб борилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун “Ташаббус-2018” кўрик-танлови ўтказилишида маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилган ва ноинсоф тадбиркорларнинг иштирок этишига йўл қўймаслик тавсия этилсин.

9. Эксперт кенгаши қарори мутасадди идораларга ижро ва маълумот учун юборилсин.

Йиғилиш котиби



А.Кадирова

**2018 йил 10 августдаги ҳуқуқий масалалар бўйича
Эксперт кенгаши иштирокчилари
РЎЙҲАТИ**

№	Ф.И.Ш.	Мансаби
1.	И.Жасимов	ССП Раисининг биринчи ўринбосари
2.	Б.Ибадуллаев	ССП Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш бошқармаси бошлиғи
3.	У.Абдухафизов	ССП Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи
4.	К.Жумаев	ССП Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бош юрисконсулти
5.	А.Хакимов	ССП Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш бошқармаси бош юрисконсулти
6.	А.Кадирова	ССП Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш бошқармаси бош юрисконсулти
7.	Н.Шаропова	ССП Қонунчилик ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш бошқармаси етакчи юрисконсулти
8.	И.Эргашев	Давлат солиқ қўмитаси вакили
9.	Ш.Гоффоров	Давлат божхона қўмитаси вакили
10.	Б.Кабиров	Давлат божхона қўмитаси вакили
11.	Ш.Авазов	Давлат божхона қўмитаси вакили
12.	А.Ибрагимова	Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси
13.	А.Айрапетянц	Божхона брокерлари ассоциацияси раиси
14.	Э.Халилов	Божхона брокерлари ассоциация раисининг ўринбосари
15.	М.Маматкулов	Аудиторлар палатаси вакили
16.	Г.Суюндикова	Солиқ маслаҳатчиси
17.	М.Кадыров	Солиқ маслаҳатчиси
18.	М.Хашимов	“Vades group” МЧЖ директори
19.	С.Саидазимов	«Mega prodex» МЧЖ вакили
20.	А.Нигманов	«Гален мед фарм» МЧЖ раҳбари
21.	М.Мирзаева	«Мирзаева» ХК раҳбари
22.	Ш.Курбанбаев	«Аба бизнес групп» МЧЖ раҳбари
23.	М.Джураева	«Тумарис текстил» МЧЖ раҳбари
24.	Б.Салямов	“Узтельмаш” МЧЖ раҳбари
25.	О.Мамарасулов	“А9ИИК” МЧЖ раҳбари
26.	М.Юсупов	“Царская сладость” МЧЖ раҳбари

27.	А.Агзамов	“РХ Сервис консалт” МЧЖ менежери
28.	С.Юлдашев	“Санжар” ХК раҳбари
29.	Ш.Режапов	“Учтепа бойлер” МЧЖ раҳбари
30.	М.Бахритдинова	“Мухаббат ширин шифо” МЧЖ раҳбари
31.	А.Юлдашхонов	“Кабир перфект” МЧЖ раҳбари
32.	А.Махкамов	“Кабирович савдо” МЧЖ раҳбари